

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНАЛОГИЯЛАРГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ

асс: Шербоев Зоҳид Хонқулович

талаба: Нарзуллаев Қувончбек

“ТИҚХММИ” МТУ Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

Аннотация; Жаҳонда аҳоли сонини ошиб бориши қишлоқ хўжалиги маҳсулотдарига бўлган талабни ошишига сасбсб бўлади. Бу талабнинг ошиши республикамизда ҳам кузатилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ва барқарор ҳосилдорлиги таъминлаш суғориш суви билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Ҳозирги пайтда илғор сув тежамкор усулларида фойдаланиш йўлга қўйилмоқда, бу эса яқин йилларда ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз бунга сабаб шу пайтгача жами 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Демак қолган ерларда суғорма деҳқончилик натижасида куп миқдордаги сув исроф бўлмоқда. Манашу исроф бўлаётган сувларни сув тежовчи технологиялар ёрдамида тўғри йўналтирилса суғориш имконияти оғир бўлган ерлардан унумли фойдаланиш натижасида буш ётган ерларни ўзлаштиришимиз мумкин ва ўз ўрнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришимиз мумкин.

Калит сўзлар: Техналогия, сув тежовчи, тежамкор, танқислиг, насос, энергия, гектар, майдон, инвестор.

Республикамизнинг сўғорилмайдиган ва суғориш имконияти кам бўлган жойларда сув тежовчи технологиялар амалиётидан фойдалансак катта иқтисодий самарага эришишимиз мумкин. Бундай технологиялар фақатгина маълум жойда эмас балки бутун Республикамиз бўйича амалга оширилса катта йутуқларга эришган бўлар эдик, минг афсуски бундай технологиялар қўлланилмаган жойлар бизда катта қисми ташкил этади ваҳоланки шу жойларда сув тежовчи технологиялар катта самара беради.

Айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида эътиборга молик сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татбиқ қилинмаган.

Бу борада “Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 16 сентябрь куни сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди”.

«Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда. Охириги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда

сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилиняпти. Эгатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда.

Видеоселектор йиғилиши сув тежовчи технологиялар бўйича олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги алоҳида такидланиб ўтилди ва унга кўра соҳани ривожлантириш учун катта йўл очиб берилди. Масалан, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида сув тежовчи технологиялар бўйича кўзга кўринадиган лойиҳалар амалга оширилмаган. Фурқат, Бўка, Чиноз, Сардоба, Тахтакўпир, Қораўзак, Касби, Қизириқ, Музработ туманларида сув тежовчи бирорта ҳам лойиҳа татбиқ қилинмаган.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони имзоланди.

Мазкур Фармон билан, Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатга:

Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда:

Ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилиши;

Ердан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом-ашё, материаллар, техника,

Асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) тўлашдан озод қилиниши;

Инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-

қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ерларнинг сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларнинг бир гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилиши;

Каби соҳани ривожлантиришга асосланган муҳим масалалар кўзда тутилган.

Ўз ўрнида шауни айтиб ўтишимиз жоезки агар сув тежовчи технологиялардан фойдалансак биринчидан: кўп сув миқдорини тежаймиз, иккинчидан: сув йўқлиги сабаб ишлатилмаётган ерларни ўзлаштирамиз, учунчидан: инсонларни иш билан банд қиламиз, тўртинчидан: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб маълум миқдорда қондирилади, бешинчидан: баъзи жойларда ерларни сувдан самарасиз фойдаланиши натижасида бўзилишини олдини олишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қатор сув тежамкор технологиялар кенг қўлланилиб келинмоқда. Жумладан томчилатиб суғориш технологияси. Ушбу технология ўзига хос ижобий хусусиятларга эга. Бунда сув ўсимликнинг илдиз олди қисмига тушади, шунга кўра сув беришнинг миқдори ва даврийлиги аниқ ва ўсимликнинг ҳар бир ривожланиш фазасида талабларга мувофиқ бошқарилади.

Сув ва ўғит бериш режимини бошқарган ҳолда унинг ўсиши, меваларини ривожлантириш ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Суғоришда сув барча ўсимлик илдизларига бир вақтда текис тақсимланади, исталган дала нуқтасида сув тенг миқдорларда берилади. Шунини айтиб ўтишимиз жоизки мазкур технология ёрдамда далани эмас балки ўсимлик суғорилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бараев Ф.А., Серикбаев Б.С., Базаргов Р.Х., Ғуломов С.б., Ўринбаев С.Н., Шайманов Н.О., Мамасолиев А.Б. “Сув ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш”. Тошкент – 2014

2. Аму-қашқадарё ирригатсия тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.

3.

https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=bZAnrb0AAAAAJ&citation_for_view=bZAnrb0AAAAAJ:zYLM7Y9cAGgC

4.

https://scholar.google.ru/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=bZAnrb0AAAAAJ&citation_for_view=bZAnrb0AAAAAJ:W7OEmFMy1HYC

5. Gapparov F., Sarmonov N. COMPUTATIONAL ANALYSIS OF THE DEPENDENCE OF THE AMOUNT OF EVAPORATION IN THE RESERVOIRS OF TALIMARJON AND HISORAK ON THE DEPTH OF WATER IN THE RESERVOIR

//Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – T. 11. – №. 6. – C. 141-150.

6. Abdirazzokov AI, Sherboyev ZX, Sarmonov NO YERLARNING MELIORATIV HOLATINI YAXSHILASHDA MELIORATIV QUDUQLARNING AHAMIYATI //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – Yo‘q. 4. – S. 2021-2025 yillar.

7. Gapparov, F. va Sarmonov, N. (2022). TALLIMARGON Suv OMBORI YUZASIDAN BOLADIGAN BUGLANISHLAR TAGLILI VA INSHOOT ISHONCHLI ISHLASHINING ASOSIY OMILLARI. Innovatsion texnologiyalar , 1 (04), 45-47.

8. Gapparov, F. va Sarmonov, N. (2022). TALLIMARGON Suv OMBORI YUZASIDAN BOLADIGAN BUGLANISHLAR TAGLILI VA INSHOOT ISHONCHLI ISHLASHINING ASOSIY OMILLARI. Innovatsion texnologiyalar , 1 (04), 45-47.

9. Sherboev Z. X. va boshqalar KANALLARNI ISHONCHLILI ISHLASH SHARTLARI //PEDAGOGIKA FANLARI VA O‘QITISH METODLARI. – 2023. – T. 3. – Yo‘q. 28. – 77-82-betlar.